

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ВАЛИЕВА ФЕРУЗА РАШИДОВНА

**МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА УЗВИЙЛИК ВА
УЗЛУКСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ
(Озиқ-овқат технологияси йўналиши мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Content of dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Pedagogical Sciences**

Валиева Феруза Рашидовна

Мутахассис тайёрлаш жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг методик асослари..... 3

Валиева Феруза Рашидовна

Методические основы обеспечения непрерывности и преемственности в процессе подготовке специалиста” (на примере направления “Пищевая технология”)..... 23

Valieva Feruza Rashidovna

Methodological foundations for ensuring continuity and incessancy in the process of training a specialist (on the example of the field "Food technology")..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ВАЛИЕВА ФЕРУЗА РАШИДОВНА

**МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА УЗВИЙЛИК ВА
УЗЛУКСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ
(Озиқ-овқат технологияси йўналиши мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1PhD/Ped522 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.iipro.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурбанов Шавкат Эргашевич
Педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алиханович
Педагогика фанлари доктори, профессор

Акрамова Шахноза Абборовна
Педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “___” “_____” соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел (99871)246-92-17; факс(99871)246-92-17; e-mail:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iipro.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел (99871)246-92-17; факс(99871)246-92-17).

Диссертация автореферати 2020 йил йил “___” _____ куни тарқатилди (2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Р.Ходжабаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д.,
профессор

С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., профессор

Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё ҳамжамиятининг глобаллашув даврида таълимнинг барча бўғинларини интеграциялашда таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда European University Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research каби нуфузли тадқиқот марказларининг олиб борган ишлари, илмий натижалари алоҳида ўрин тутди. “Таълимнинг ҳамма босқичларида, таълим натижаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш ва усулларини такомиллаштириш механизмларини жорий этиш орқали барча инсонлар учун уларнинг ҳаёти давомида сифатли таълим олиш имкониятини яратишни долзарб вазифа қилиб қўйган”¹ айти вақтда мутахассислар тайёрлаш жараёнидаги олий ва профессионал тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаш жараёнини яратиш ва тадқиқ этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Халқаро педагогик тажрибага кўра, касб таълими назарияси ва амалиёти тенденциясини янада ривожлантиришда мутахассисдан меҳнат бозори талабларига рақобатбардошлилик, муҳитга тезроқ мослашиш, турли вазиятлардан осон ва тез чиқа билиш, инновацион касбий салоҳият элементларини қарор топтириш талаб этилади. Шу боис жаҳон андозаларига мос юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш кўп жиҳатдан касб-хунар таълимининг барқарор ривожланишига боғлиқдир. Шу сабабли, “Коллеж-олий таълим” муассасаларида таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш таълим дастурларини мазмунан янгилаш, ихтисослик фанлар мазмунини амалий кўникмаларга йўналтириш, мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини жорий этишда касбга йўналтириш ва касбий мотивацияни шакллантириш усулларида комплекс фойдаланишни тақозо этади.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилляпти. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” ҳамда “касб-хунар коллежи ўқувчиларини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш” устувор вазифалар этиб белгиланди. Бу эса, “Коллеж-ОТМ” тизимларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга

¹ Incheon Declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, “Коллеж-ОТМ” тизимларида узвийликни амалга ошириш методикасини ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон Қарорлари, 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, 2020 йил 23 сентябрдаги 637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётини шакллантириш” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Узлуксиз таълим муаммосини тадқиқ қилиш, унинг концепциясини ишлаб чиқиш, касбий таълим тизимида мутахассисларни узвийлик асосида тайёрлаш масалалари Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбанов, У.И.Иноятов, Д.Шодиев, Ш.С.Шарипов, У.Н.Мамарасулова, Р.Турғунбаев, А.А.Хасанов, Н.Н.Мусаева, МДҲ давлатлари олимларидан Б.С.Гершунский, Э.А.Баллер, А.А.Кыверялг, Ю.А.Кустов, Ш.И.Ганелин, А.В.Батаршев, Т.А.Ильина, В.Я.Вивюрский, Г.И.Железювская, А.Г.Мороз, А.М.Лушников, С.М.Годник, Б.Г.Ананьев, К.И.Нешков ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган.

Ҳозирги кунда, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ва уларни касб-ҳунарга йўналтириш, тайёрлаш муаммоларига оид республикамизнинг бир қатор олимлари илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Хусусан, Ш.Э.Қурбанов, У.Иноятов, Қ.Т.Олимов, Н.А.Муслимов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўрақулов, Д.О.Ҳимматалиев, О.А.Қўйсинаев каби олимлар касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш назарияси ҳамда амалиётига ўз хиссаларини қўшдилар.

Хорижий тадқиқотлар тажрибасида узлуксиз таълимнинг концептуал хусусиятларини ишлаб чиқиш бўйича Педагогик коммуникациялар ва технологиялар ассоциацияси (АҚШ), Узлуксиз таълим институти (Россия), Узлуксиз таълим назарияси маркази (Россия), European University Institute, Max Plank Institute каби тадқиқот марказлари ҳамда R. Dave, J.Mincer, T.W Schultz, Hutmacher Walo, Cooke. P, Sölvell Ö. ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг АИФ-2/20 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Узлуксиз касбий таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда умумкасбий, ихтисослик ва махсус фанлар узвийлигини таъминлаш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

узлуксиз касбий таълим мазмунида узвийликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

узлуксиз касбий таълим тизимида кластерли ёндашувни қўллаш асосида мутахассисларнинг касбий сифатлари ва компетенциялари мазмунини такомиллаштириш;

“Коллеж-ОТМ” тизимида ихтисослик ва махсус фанларини ўқитиш жараёнида узвийликни таъминлашнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

“Коллеж-ОТМ” тизимида умумкасбий, ихтисослик ва махсус фанлар орасида узвийликни таъминлаш орқали бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

мутахассислардаги касбий тайёргарлик даражаларининг сифат кўрсаткичларини аниқлашга доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқотнинг объекти. “Коллеж-ОТМ” тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг предмети. Озиқ-овқат технологияси йўналишида мутахассислар тайёрлашда умумкасбий, ихтисослик ва махсус фанлар узвийлигини таъминлаш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида профессионал таълим ва олий таълим муассасаларида мутахассис тайёрлаш жараёнидаги узвийликни таъминлашга доир илмий манбаларни таҳлил этиш, ўқув-меъёрий хужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни танқидий ва

қиёсий ўрганиш, педагогик кузатув, суҳбат, тест, анкета сўровномалари, педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

узлуксиз касбий таълим тизимида узвийликни таъминлашнинг ташкилий функционал компонентлари (мотивацион, мазмуний, ўқув-жараёний) ва касбий компетенциялари (умумий компетенциялар, технологик компетенциялар) мазмуни кластерли ёндашув асосида такомиллаштирилган;

мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш методикаси умумкасбий, ихтисослик ва махсус фанлар узвийлигини таъминлаш орқали (таълимий, интегратив) белгилаш ва методик ишланмалар (Cooperations, Level training, Project, Cluster) яратиш асосида такомиллаштирилган;

узлуксиз касбий таълим (Horizontal, Vertical) тизимида узвийликни таъминлашнинг дидактик таъминоти мутахассисларни касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари (ташкилий-бошқарув, психологик-педагогик, ахборот-методик) ни аниқлаштириш орқали оптималлаштирилган;

“Коллеж-ОТМ” тизимида умумкасбий ва ихтисослик фанлараро узвийликни таъминлаш орқали касбий тайёргарликни баҳолаш мезонлари (мотивацион, когнитив, фаолиятли, рефлексив) махсус курс дастурини ишлаб чиқиш натижасида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижасида узлуксиз таълимнинг Коллеж-ОТМ тизимида озиқ-овқат технологияси йўналиши талабаларида фанлараро узвийликни такомиллаштиришга доир назарий қарашлар ва ёндашувлар белгиланган, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқилган ҳамда таълим жараёнига жорий қилинган.

Таълим муассасаси талабаларида узвийликни таъминлаш мақсадида “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги” махсус курс дастури, “Профессионал ва олий таълим тизимида касбий билимлар узвийлигини таъминлашнинг методик асослари” номли ўқув-услугий ҳамда “Таълим тизимида халқаро тажрибалар” номли ўқув-услугий қўлланмалар ишлаб чиқилган ва таълим жараёнида қўлланилган.

Касб-ҳунар коллежининг 3321000-Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича) (3321001-Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш техник технологи) тайёрлов йўналишининг “Ёғ-мой маҳсулотларини қуйиш ва қадоқлаш технологияси” ҳамда олий таълим муассасасининг 5321000-Озиқ-овқатлар технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) йўналишининг “Ёғ-мой маҳсулотларини сақлаш ва қадоқлаш технологияси” ўқув фанлари мисолида ўқув жараёнининг педагогик шарт-шароитларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш орқали бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишнинг “Коллеж-ОТМ” тизимида узвийликни таъминлашнинг методик таъминоти ва модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Хорижий ва ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, назарий маълумотларни расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижалари асосида касб-хунар коллежининг Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича) йўналишининг “Ёғ-мой маҳсулотларини қуйиш ва қадоқлаш технологияси” ўқув фани ҳамда олий таълим муассасаси Озиқ-овқатлар технологияси йўналишининг “Ёғ-мой маҳсулотларини сақлаш ва қадоқлаш технологияси” ўқув фанлари мисолида узвийликни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган махсус курс дастури, методика, модел, қўлланма ва ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларида ўқитиш сифати ҳамда самарадорлигини оширишда таълим жараёнида унумли-фаолиятли ёндашув асосида ташкил этиш, касб таълими ривожланишида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мутахассис тайёрлаш жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг методик асосларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

касб-хунар таълим мазмунида узвийликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш орқали “Коллеж-ОТМ” тизимида таълим узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи вертикал интеграция турларини тизимлаштиришга доир тавсиялардан таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга оид ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 89-03-2190-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар “Коллеж-ОТМ” тизимида ўқитишнинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилган;

“Коллеж-ОТМ” тизимида умумкасбий ва махсус фанларни ўқитиш узвийлигини таъминлашга қаратилган назарий билим ҳамда амалий малакалар мазмунини такомиллаштириш методикаси асосидатайёрланган “Профессионал ва олий таълим тизимида касбий билимлар узвийлигини таъминлашнинг методик асослари” ва “Таълим тизимида халқаро тажрибалар” услубий таъминот асосида олинган натижалар АИФ-2/20 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 89-03-2190-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг эҳтиёжлари асосида

таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишнинг методик асосларини такомиллаштириш имкони кенгайган;

“Коллеж-ОТМ” тизимида мутахассислар тайёрлаш жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашда фанлараро алоқадорликни таъминлашга оид усуллар ва тавсиялар касб-хунар коллежининг “Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)” йўналишининг “Ёғ-мой маҳсулотларини қўйиш ва қадоқлаш технологияси” ҳамда олий таълим муассасаси “Озиқ-овқатлар технологияси” йўналишининг “Ёғ-мой маҳсулотларини сақлаш ва қадоқлаш технологияси” ўқув фанлари мисолида узвийликни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган методик таъминотини мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 89-03-2190-сон маълумотномаси). Ушбу махсус курс “Коллеж-ОТМ” тизимида узлуксизлик ва узвийликни таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган. 2 та ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилган ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан (№DGU07814, № DGU 07903) 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, 2 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан 8 таси республика 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети аниқланган; илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган; илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Мутахассис тайёрлаш жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда илмий тадқиқот ишларининг таҳлили, уни такомиллаштиришнинг назарий асослари, муаммолари келтирилган; ўрганилаётган муаммонинг дастлабки назарий позициялари таҳлили ўтказилган; узвийлик ва узлуксизлик тушунчаларининг илмий таҳлиллар асосида мазмун-моҳияти очиб берилган.

Илмий адабиётлар (Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбанов, Н.Н.Мусаева, Б.С.Гершунский, А.А.Киверялг ва бошқалар) таҳлили шуни кўрсатдики, таълимнинг "узвийлик" тамойилини қуйидаги бир неча хил кўринишда: таълим турлариаро, босқичлараро, фанлараро ва мавзулараро узвийлик сифатида кўриш мумкин. Бунда узвийликнинг охириги кўринишларида фанларни ўқитиш услуби, яъни улар мазмунининг баён этилиш методи касбга таянган ҳолда турдош фанлар мазмунидан фойдалана билиш, мустақил ишлашга ҳаракат қилиш, шунингдек, услубий ва мазмунан қўллашда ўхшашлик кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳририда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири сифатида узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳа эканлиги, ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий баркамол шахснинг шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиши, давлат таълим стандартларига мувофиқ турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллигини таъминлаш ва мактабгача, умумий ўрта, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим турларини ўз ичига олиши таъкидланади.

Маълумки, республикамизда узлуксиз таълим тизими ижтимоий соҳалар ҳамда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш шароитида муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида таълимий, тарбиявий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий функцияларни бажаради. Уларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ўқувчиларда ижодий ва мустақил фикрлаш, касбий ва юксак маънавиятни шакллантирувчи педагогик

шарт-шароитлар яратилиши кўзда тутилган. Аммо, ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичлари янги талаб ва эҳтиёжларнинг вужудга келишини тақозо этганлиги боис, узлуксиз таълим методологиялари ҳам ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб борилишини талаб қилади. Улар умумий ўрта ва касб-ҳунар таълимида ўқувчи шахсини узвий ривожлантириш муаммоларини таҳлил этишга йўналтирилади:

- узлуксиз касбий таълим тизимида шакллантирилаётган билим ва кўникмалар ҳамда жамиятнинг ижтимоий, фан ва технологиялар тараққиёти даражасига қўйиладиган талаблар ўртасидаги номуваносиблик;

- таълим жараёнида ўқувчилар эгаллайдиган билим ва кўникмалар ҳамда мутахассис сифатида фаолият кўрсатиш учун талаб этиладиган касбий кўникма ва малакалар таркиби ўртасидаги номувофиқликнинг вужудга келганлиги;

- таълим оловчи шахсини шакллантиришдаги таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шакллари ўзида мужассамлаштирувчи педагогик тизимнинг барча таркибий қисмлари ўзаро алоқадорлиги, мувофиқлиги ҳамда истикболга йўналтирилганлиги, узвийлигини таъминлашдаги номуваносиблиги;

- таълим оловчиларда ўсиб бораётган ахборотлар ҳажми билан ишлаш, мустақил таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш асосида улар фаолиятини жадаллаштиришнинг дастурий ва методик таъминот қамровининг торлиги.

Мазкур муаммолардан келиб чиқиб, узлуксиз касбий таълим тизимида ҳар томонлама етук, ижодкор шахсни тарбиялаш, бўлажак мутахассисларнинг узлуксиз касбий тайёргарлигини ривожлантириш учун таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларида касбий педагогик тизимнинг таркибий қисмларини ўзаро алоқадорлиги, мувофиқлиги ҳамда мақсадга йўналтирилганлигини таъминлаш ҳамда уларни амалга оширишнинг дидактик шарт-шароитларини аниқлашни тақозо этади. Унинг алоқадор босқичлари касбий таълим узлуксизлигини таъминлашда бўлажак мутахассисларни таълим субъекти сифатида изчил ривожланиб боришини ифодалайди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида бу ғоя – шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси сифатида эътироф этилган.

Мазкур тадқиқотда таълим жараёнида ўқитишдаги узвийлик амалий тайёргарликка (мазмуни, шакли, методлари ва воситалари бўйича) мос келадиган бир қатор тузилмавий компонентларни ўз ичига оловчи тизим сифатида қаралади. Шу аснода, амалий тайёргарлик жараёнидаги узвийлик уч хилдаги компонентлар тарзида бўлади:

- ўқитиш мазмунида
- ўқитиш методлари, шакллари ва дидактик усулларида
- ўқитиш воситаларида.

Узвийлик тамойили тузилмавий компонентларининг ҳам барча ўқув муассасалари учун умумий (ўқитишдаги кетма-кетлик ва тизимлилик, оммабоплик) ҳамда касб-ҳунар таълими муассасалар учун ўзига хос (касбий

йўналтирилганлик, ўқиш ва меҳнат мотивацияси) бўлган бошқа айрим умумдидактик тамойиллар билан жипс ўзаро алоқалари мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак бўлади.

Узлуксиз касбий таълим тизимида кўп бўғинли таълим дастурларини тузиш самарадорлигини ошириш учун ўқитиш мазмунидаги узвийлик долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолади. Узвийликка асосланган ўқитиш жараёни мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлайди.

Узлуксиз касбий таълим шахснинг бутун умри мобайнида яхлит ривожланишига, тезда ўзгарувчан дунёда мос меҳнатга ва ижтимоий турмушга мослашиш имкониятларини оширишга қаратилади, анъанавий таълимда эса киши таълим тизимининг дастурий элементи сифатида олиб қаралади.


Узлуксиз таълим билим, кўникма, малака ва компетенцияларни мустақил эгаллаш, уларни излаб топиш ва кашф этиш, мустақил таълим олиш усуллари орқали шаклланади.

Олиб борилган илмий таҳлиллардан келиб чиқиб, **узвийлик** – бу ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичи аввалгисининг негизида юзага келадиган ва унинг ички шароитини ташкил этадиган барча босқичлар ўртасидаги ўзаро алоқадор тизимдир, деган хулосага келишимиз мумкин.

Таълимда "узвийлик" тамойилини қуйидаги бир неча хил кўринишда: таълим турлариаро, босқичлараро, фанлараро ва мавзулараро узвийлик сифатида кўриб чиқиш мумкин. Таъкидлаш мумкинки, **узлуксиз таълим** – ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тўлдирувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизимидир.

Таълим мазмунини интеграциялашнинг кейинги даражаси – дидактик синтез даражасидир. Академик фанларни бу даражада интеграциялаш улардан бирига асосланади. Шу билан бирга, ўзаро таъсирлашувчи буюмларнинг ҳар бири ўз ҳолати ва концептуал асосларини сақлаб қолади. Дидактик синтез даражаси нафақат ўқув предметлари интеграциясини, балки унинг белгиланган процессуал синтезини ҳам назарда тутаяди, бу, биринчи навбатда, умумтаълим ва касбий фанлар бўйича ўқув фаолияти шакллари интеграциясини назарда тутаяди. Ўқув жараёни доирасида жамланган дидактик синтез орқали бир-бири билан боғланган ўқув материални ўрганиш, яъни муайян касбий материални сингдириш уни умумий ўқув машғулотида ўрганиш жараёнида содир бўлади.

Касб-ҳунар таълими ривожланишининг механизмларидан бири–ўзаро муносабатларга асосланган кластерли ёндашув, ҳамкорлик, манфаатдор томонлар ўртасидаги мулоқот, яъни таълим муассасалари, иш берувчилар, бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ҳисобланади. Ҳамкорлик қилишнинг шакллари билан бири эса ҳудудларда таълим кластерини тузишдан иборат. Кластерли ёндашувни ҳал этиш зарурати ҳудудий касб-ҳунар таълими тизимининг самарадорлигини ошириш учун манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли бўлмиш кластернинг афзалликлари билан белгиланади (1-расм).



1-расм. Узлуксиз таълим тизимида мутахассис компетенцияларини шакллантиришда кластерли ёндашув

Таълим кластери бу, бир томондан, саноат корхоналари билан тармоққа оид хусусият ва шериклик муносабатларини бирлаштирган ўзаро боғлиқ касб таълим муассасалари мажмуини ташкил этади; иккинчидан, фан-технология-бизнеснинг инновацион, асосан горизонтал боғланган занжирида жойлашган ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш ва ўз-ўзини аниқлаш воситаларидир.

Касбий таълимда кластерли ёндашув – бу ишлаб чиқариш ва таълим дастурларининг эҳтиёжларини бир-бирига мослаштиришдир. Ишлаб чиқариш ассоциациялари томонидан касбий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун буюртмалар шакллантирилади.

Узлуксиз касбий таълим тизимида бўлажак мутахассисларни кўп даражали касбий тайёргарлигининг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари


учта: ташкилий-бошқарув (таълимни жадаллаштириш), психологик-педагогик (маданийлашувнинг педагогик тамойилларини амалга ошириш) ва амалий-методик (ўқув-билиш ва ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларини назорат қилиш) блокни ўз ичига олади.

Диссертация ишининг **“Мутахассис тайёрлаш жараёнида таълим мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш методикаси”** деб номланган иккинчи бобда бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёнида интерфаол таълим методлари асосида касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг **“Коллеж-ОТМ”** тизимида узвийликни таъминлаш модели ва унинг таркибий қисмлари мазмун-моҳияти берилади. **“Коллеж-ОТМ”** тизимида талабаларнинг касбий технологик тайёргарлиги тузилмаси, касбий технологик тайёргарлик узвийлигининг педагогик шарт-шароитлари, таълим жараёнида касбий компетенцияни такомиллаштириш имкониятлари ҳақидаги масалалар моҳияти очиб берилган.

Тадқиқот давомида **“Коллеж-ОТМ”** тизимида узлуксиз технологик таълим узвийлиги модели такомиллаштирилди, илмий жиҳатдан асослаб берилди ва педагогик амалиётга жорий қилинди.

“Коллеж-ОТМ” тизимида технологик таълим жараёни уни амалга оширишда юзага келадиган тамойиллар жамланмасини – яхлитлик, кўп босқичлилиқ, кўп даражалилик, ижтимоий ҳамкорлик, мобиллилик, кўшимчалилик, интегративлик, таълим стандартлари ва дастурлари, таълим технологияларининг изчиллиги, шунингдек, қўйидаги дидактик тамойилларни – технологик таълимнинг амалий технологик ва хўжалиқ фаолияти, жамиятнинг иқтисодий турмуши билан алоқадорликлари, таълим олувчиларнинг онглилиги ва ижодий фаоллиги, ўқитишнинг кўргазмалилиги ва назарий фикрлаш ривожланиши, ўқитиш натижаларининг мустаҳкамлиги ва таълим олувчилар билиш кучининг ривожланиши тамойили, ўқитишнинг жамоавий хусусияти ва таълим олувчиларнинг индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олиш, ўқитишнинг ижобий эмоционал фони ва шу кабиларни тавсифлайди.

Узлуксиз касбий таълим тизимида узвийлик модели **“Коллеж-ОТМ”** педагогик тизимида унинг асосий компонентлари – функционал-тузилмавий, даражали, мезонли блоклари билан жипс алоқадорликда ўртага чиқади ва узвийлик даражалари (фалсафий, илмий, педагогик) ҳамда касбий сифатлари (умумкасбий, технологик) касбий компетенцияларни лойиҳалаш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, таълим олувчиларнинг технологик билимлари, маҳорати ва кўникмалари асосларининг шаклланишига қаратилганлик билан белгиланади (2-расм).



2.1.2-расм. Узлуксиз касбий таълимда узвийликни таъминлаш асосида мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш модели

Таълим мазмунининг узвийлиги таълим дастурларида акс этади ва маълум бир даражада таълим мазмунининг ўз ичига сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш учун зарур бўладиган билимларни олиши лозимлигига асосланади. Узлуксиз таълимнинг яхлитлиги турли хил ҳажмдаги узвийлик билан белгиланади.

Горизонтал узвийлик таълимнинг муайян даражасида ўқув фанларини ўқитишдаги фанлараро алоқадорликлар жамланмаси сифатида намоён бўлади. Горизонтал узвийликнинг мазмуни мавзуни кетма-кетликда ўрганишга, таълимнинг инновацион технологияларидан фойдаланишга ва ўрганилаётган мавзуга мос ҳолдаги натижа талабларига асосланганидан яхлит билимнинг шакллантирилишини ўз ичига олади.

Вертикал узвийлик таълимнинг турли хил поғоналарини мақсади, мазмуни ва жараён компонентлари орасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликлар сифатида таърифланади. Вертикал узвийлик мазмунига касбий фаолиятга тайёргарлик, ўқув фанларини ўрганиш, касбий таълим шакллари, методлари ва воситаларидаги кетма-кетлик, битирувчиларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, таълим даражаси ва бўғинига мос ҳолда таълим натижаларига малакавий талабларнинг ишлаб чиқилиши кабилар киритилади.

Узвийликнинг барча тузилмавий компонентларини юзага чиқариш ўқитувчиларга педагогик амалиётнинг илм-фан билан чуқур алоқаларини кўриш ва тушуниш, илғор тажрибалар натижаларини ўрганиш, улардан шахсий, касбий амалиётда фойдаланишга тайёргарлигини баҳолаш, узвийликни амалга оширишнинг анъанавий шарт-шароитлари ҳозирги замон педагогикасида берилаётган тавсияларга мос келмаслик ҳолатларини таҳлил қилиш имконини беради. Буларнинг барчаси ўқитувчиларга педагогик илм-фаннинг илмий-назарий функциясидан педагогик амалиётга хос бўлган қонуниятларни ажратиб олиш ва уларни ўрганишга, ундан эса зарурий касбий фаолиятнинг назарий асосланган лойиҳаларини тузиб чиқишга ўтилишини янада аниқ амалга оширилишига ёрдам беради.

“Коллеж-ОТМ” таълим турлари орасидаги узвийликнинг таркибий қисмлари орасида алоқадорликлар мавжуд. Узлуксиз таълим тизимида узвийлик қисмлари таълим дастурлари мазмунини, ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти мазмуни ва сифатини, ўқитишнинг моддий-техник таъминотининг юқори даражаси ва сифатини, таълим дастурларини сифатли тарзда амалга ошириш учун ўқитувчиларнинг қайта тайёрланиши, стажировкадан ўтишларининг зарурий даражасини белгилаб берадиган қонунчиликни ўз ичига олади.

Қуйидаги функциялар бўлажак мутахассисларни поғонали равишда касбий тайёрлашни таъминлайди:

1. Таълимий функция (чуқур ва мустаҳкам билим олиш, ахборот технологиялари соҳасида маҳорат ва кўникмалар).

2. Интегратив функция (касбий ўқитишдаги ўқув дастурларининг мазмунини ишлаб чиқиш, таълим жараёнига тизимли ва мажмуавий ёндашув).

3. Прогностик функция (таълим дастурлари мазмунини, ўқитиш шакллари ва методларини такомиллаштириш).

4. Гуманистик функция (бўлажак мутахассисларнинг қобилиятлари, касбий қизиқишлари ва кадриятларини ривожлантиришда узлуксизликни таъминлаш).

Олий таълим муассасалари талабаларини таълим олиш жараёнида касбий компетенцияларининг мазмуни ва ўқув жараёни Cooperations, Leveltraining, Project, Cluster интерфаол таълим методларидан фойдаланишни таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

“Cooperation” методининг асосий ғояси биргаликда ўқиш, ҳам ўзини, ҳам шерикларнинг муваффақияти учун маъсулиятни ҳис қилдиришдан иборат. Бу методнинг мақсади нафақат билим, кўникма, малака ва компетенцияларни, балки ижтимоийлашув самараси, талабаларда коммуникатив маҳоратнинг шаклланишидир. Касбий фанларни ўқитишда исталган мавзуни ўрганишда “Cooperation” методидан амалий ишлар ва ишбилармонлик ўйинлари кўринишида қўллаш мумкин.

Талабаларнинг ижодий изланиши, мантиқий фикрлашини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим аҳамиятга эга.


Диссертация ишининг учинчи боби **“Озиқ-овқат технологияси йўналиши мутахассисларини тайёрлаш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланиб, тажриба-синов ишининг мақсади, вазифалари, босқичлари аниқланган; тажриба-синов ишининг аниқловчи босқичи натижалари таҳлил қилинган; касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетенциясини шакллантириш моделини амалиётга жорий этиш бўйича самарали ишлаши учун педагогик шарт-шароитлар ишлаб чиқилган; ўрганиш самарадорлигини тасдиқловчи тажриба-синов иши натижалари таҳлил қилинган.

Педагогик тажриба-синов ишларининг аниқловчи босқичида Фарғона, Андижон, Наманган ва Бухоро вилоятлари Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида 2014-2015, 2015-2016 ўқув йиллари давомида касб-ҳунар таълими малака талаблари ва ўқув режалари ўрганилди. Узлуксиз касбий таълим тизимида умумкасбий, ихтисослик ва махсус фанлар узвийлигини таъминлаш амалга оширилди.

Тажриба синовининг шакллантирувчи босқичида “Коллеж-ОТМ” малака талаблари ва ўқув режаларини узвийлаштириш бўйича методик қўлланмалар, намунавий дастур, ишчи дастур ва ўқув режалар бўйича тегишли методик кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Тажриба-синовнинг аниқловчи босқичида Озиқ-овқат технологияси йўналиши талабалари назорат гуруҳи (262 нафар талаба) ва тажриба гуруҳига (257 нафар талаба) ажратилди. Талабаларнинг “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги” бўйича мавжуд билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун дастлабки ташҳислаш ўтказилди.

Педагогик тажриба-синов 2017-2018, 2018-2019 ва 2019-2020 ўқув йилларида АнДУ, НМТИ, ФПИ ва БМТИ ларида ҳамда Янгийўл технология иқтисодиёт КХК ва Қўқон политехника КХК ларида олиб борилди. Тажриба-синов ва назорат гуруҳларида жами 519 нафар талабалар иштирок этдилар. Шундан тажриба-синов ва назорат гуруҳларида 257 ва 262 нафардан талабалар танлаб олинди.

Тажриба-синов ишлари олиб борилган ОТМлари талабаларининг умумий ўзлаштириш даражалари



3-расм. Тажриба-синов ишлари олиб борилган ОТМлари талабаларининг умумий ўзлаштириш даражалари

Тажриба-синов гуруҳида катнашган талабаларнинг ўзлаштириш даражалари тажриба бошида 7.4 %, тажриба охирида 16.4% юқори даражани кўрсатди. Ўрта даража эса 25.2 % га ўсди, паст даража эса 34.2 % га камайди.

Назорат гуруҳида катнашган талабаларнинг ўзлаштириш даражалари тажриба бошида 3.8 %, тажриба охирида 5.3 % юқори даражани кўрсатди. Ўрта даража эса 7.2 % га ўсди, паст даража эса 8.7 % га камайди.


Миқдорий мезонлар кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Тажриба-синов гуруҳи m=257	Назорат гуруҳи n=262
1	Статистик таҳлил	2.29	1.9
2	Ўртача квадратик хатолик	0.31	0.223
3	Стъудент танламали мезони ($T_{x,y}$)	8.625 (8.625 > 1.84)	

Тадқиқотимиз натижасида, барча тажриба-синов майдончалари сифатида танлаб олинган ОТМ тажриба-синов ишлари ниҳоясида, тажриба гуруҳидаги талабаларининг ўзлаштириш даражаларини самарадорлиги 1,16 (16%) кўрсаткичга эга бўлди. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг самарадор эканлигини кўрсатади.

Касб-ҳунар коллежларидан тажриба-синов гуруҳларида қатнашган 45 нафар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари тажриба бошида 3 нафарида – аъло (6,7%), 15 нафарида – яхши (33,3%), 27 нафарида – қониқарли (60%) кўрсаткични ташкил қилган бўлса, тажриба охирига келиб, 7 нафарида – аъло (15,6%) 8,9% га, 24 нафарида – яхши (53,3%) 20,0% га, 14 нафарида – қониқарли (31,1%) 13,3% га ошганини ва жами ўқувчилар сонига нисбатан 15,6% га камайганини кўрсатди.

Назорат гуруҳида қатнашган 47 нафар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари тажриба бошида 4 нафарида – аъло (8,5%), 15 нафарида – яхши (31,9%), 28 нафарида – қониқарли (51,1%) ни ташкил қилган бўлса, тажриба охирига келиб 4 нафарида – аъло (8,5%) га, 19 нафарида – яхши (40,4%) 8,5% га ошганини, 24 нафарида – қониқарли (51,1%) 6,4% га камайганини кўрсатди.



4-расм. ТСИ ўтказилган КХК лари ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари диаграммаси

Тажриба-синов майдончалари сифатида танлаб олинган касб-ҳунар коллежлари бўйича тажриба-синов ишлари ниҳоясида тажриба гуруҳидаги ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларининг самарадорлиги 1,11 (11%) юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг самарадор эканлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Диссертация ишининг якунида касб-ҳунар коллежлари ҳамда техника олий таълим муассасаси “Озиқ-овқат технологияси” (маҳсулот турлари бўйича) йўналишлари талабаларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш муаммоларини ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамиятини тасдиқловчи **асосий хулосалар** шакллантирилди:

1. Мутахассисларни тайёрлашда узвийликнинг таклиф этилган модели кўп бўғинли касбий таълим тизимидаги (горизонтал, вертикал) поғоналар орасидаги узвийлик жараёнини тизимли равишда олиб қараш ҳамда уни юзага чиқариш учун ташкилий-педагогик шарт-шароитлар тизимини шакллантириш зарурияти борлиги асослаб берилди.

2. Касбий таълимга кластерли ёндашув – бу ишлаб чиқариш ва таълим дастурларининг эҳтиёжларини бир-бирига мослаштиришдан иборат эканлигини аниқлаш орқали ишлаб чиқариш ассоциациялари томонидан касбий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун буюртмалар шакллантирилиши ҳамда касбий таълимнинг барча даражалари ўзаро алоқадорликда ва ўзаро таъсирлашувда бўлиши, бу касбий таълим изчиллиги тамойили билан тавсифланиши аниқланди.

3. “Коллеж-ОТМ” таълим босқичларида узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари қўлланилган ҳолда мутахассис тайёрлашда ўқув дастурлари ҳамда таълим жараёнини ташкил этилишида ўзаро мутаносибликка, уйғунликка эришилди.

4. “Коллеж-ОТМ” тизимида махсус фанларни ўқитишда узвийликни мақобил равишда амалга ошириш учун унинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини татбиқ этиш орқали “Коллеж-ОТМ” малака талаблари ва ўқув режаларининг узвий боғланишини таъминлаш бўйича услубий қўлланмалар, намунавий дастур, ишчи дастур ва ўқув режалар бўйича тегишли услубий кўрсатмалар ҳамда “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги” махсус курси дастури, шунингдек, “Коллеж-ОТМ” тизимида ўқитиладиган махсус фанларнинг ўқув-дидактик таъминотини такомиллаштириш орқали таълим мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш методикаси ишлаб чиқилди.

5. Тажриба-синов ишлари давомида касбга тайёрлаш жараёнида таълим мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш методикаси бўйича ишлаб чиқилган ишланмалар, инновацион методлар, технологиялар талаба-ўқувчиларнинг назарий билим ва касбий кўникмалари анъанавий машғулотда иштирок этган талабаларникига нисбатан юқори эканлиги аниқланди ва математик статистик таҳлиллар асосида исботлаб берилди.

Ўтказилган назарий изланишлар ва илмий-тадқиқотлар асосида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича қуйидаги методик **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Янги жорий этилаётган табақалаштирилган таълим тизимида “Техникум-ОТМ” таълим босқичларида махсус ҳамда ихтисослик фанлар

орасида узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари асосида мутаносибликни таъминлаш зарур. Бунинг учун давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва янги педагогик технологияларни жорий этган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Узлуксиз таълим тизимида “Таълим инновацион кластери”ни қўллаш меҳнат бозори ва иш берувчилар талаблари асосида “Коллеж-ОТМ” тизимида ўқув дастурлари узвийлигини таъминлаш ҳамда ўқув дастурлари мазмунини компетенциявий талаблар асосида такомиллаштиришга хизмат қилади.

3. “Коллеж-ОТМ” тизимида Озиқ-овқат технологияси йўналиши малака талабларида кўрсатилган касбий тайёргарликни ривожлантиришда ўқув режадаги умумкасбий, ихтисослик ва махсус фанлар блокадаги фанлар мазмунини соҳага йўналтирилган компетенциялар тизими билан бойитиш ҳамда қўшимча фанлар блокага “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги” махсус курсини жорий қилиш лозимлиги кўрсатилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИИ
КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И
ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

ВАЛИЕВА ФЕРУЗА РАШИДОВНА

**МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НЕПРЕРЫВНОСТИ И
ПРЕЕМСТВЕННОСТИ В ПРОЦЕССЕ ПОДГОТОВКИ
СПЕЦИАЛИСТА**

(на примере направления “Пищевая технология”)

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

АВТОРЕФЕРАТ

**диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

Ташкент – 2020 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2018.1PhD/Ped522.

Диссертация выполнена в Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.iirpo.uz) и информационном образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Қурбанов Шавкат Эргашевич**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Муслимов Нарзулла Алиханович**
доктор педагогических наук, профессор

Акрамова Шахноза Абборовна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Джизакский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования. (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17; E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iirpo.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2020 года).

А.Р. Ходжабаев
Председатель Научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.п.н., профессор

С.Ю. Ашурова
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению учёных
степеней, к.п.н., профессор

К.Т. Олимов
Председатель Научного
семинара при Научном совете
по присуждению учёных
степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

В эпоху глобализации мирового сообщества особое внимание уделяется обеспечению непрерывности и преемственности в системе образования при интеграции всех звеньев образования. Работа и научные результаты таких престижных исследовательских центров, как European University Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research, играют особую роль в обеспечении непрерывности и преемственности образования. «На всех этапах образования важно создать возможности для всех людей получать качественное образование на протяжении всей своей жизни путем внедрения механизмов повышения эффективности и улучшения методов оценки результатов обучения»² обеспечение непрерывности и преемственности в высшей и профессиональной системе в процессе подготовки специалистов, создание и исследование процесса интеграции с наукой и производством остается актуальной задачей.

Согласно международному педагогическому опыту, дальнейшее развитие теории и практики профессионального образования требует от специалиста конкурентоспособности на рынке труда, адаптации к среде, способности легко и быстро справляться с различными ситуациями, определять элементы инновационного профессионального потенциала. Поэтому подготовка высококвалифицированных специалистов по мировым стандартам во многом зависит от устойчивого развития профессионального образования. Поэтому обеспечение непрерывности и преемственности образования в системе «колледж - высшее образование» требует комплексного использования методов обновления содержания образовательных программ, ориентации содержания специальных дисциплин на практические навыки, профориентацию и профессиональную мотивацию при внедрении педагогических условий профессиональной подготовки.

В нашей стране, как и во всех сферах, большое внимание уделяется коренному реформированию системы непрерывного образования. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы включает «продолжение политики дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения потенциала качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда» и «улучшение подготовки и трудоустройства студентов профессиональных колледжей по специальностям, отвечающим требованиям рыночной экономики». Это свидетельствует о необходимости изучения состояния подготовки будущих специалистов в системе «Колледж-Высшее образование», разработки методики реализации членства в системе «Колледж-Высшее образование».

² Incheon Declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

